



КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА ПОМИДОР НАВЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА МОСЛАНУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ.

Тоштемир Остонақулов

Қарши давлат университети профессори,

Гулшода Саидова

СПЭКИТИ докторанти, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14905373>

Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида помидор экинининг ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан юқори маҳсулдор, шўрга, касалликзараркунанда ва бошқа экстремал омилларга чидамли мослашувчан навларни танлашга, уларни ўстириш агротехнологиясининг асосий элементлари — қулай экиш схемаси ва туп қалинлигини белгилашга ва амалиётга кенг жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.


Тадқиқотнинг мақсади - Бухоро вилояти кучсиз шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида помидор тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар нав намуналарини танлаш, уларни турли суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари ҳамда экиш схемаларида ўстириш агротехнологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Дала тажрибалари 2022-2024 йиллар мобайнида қуйидаги йўналишларда Бухоро вилояти Жондор тумани “Хамроев Халил Бозорович” фермер хўжалиги суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида ўтказилди.

Бухоро вилояти кучсиз шўрланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ўстирилганда йиллар бўйича ҳосилдорлиги, ўртача ҳосилдорлиги, жумладан товар ҳосилдорлиги ҳамда стандартга нисбатан қўшимча товар ҳосил миқдори аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, помидор тезпишар нав-дурагайлар гуруҳида стандарт Мустақиллик-28 навида ўртача ҳосилдорлик гектаридан 38,2 тоннани, шундан 36,5 тонна ёки 95,6 % товар ҳосилни ташкил этди.

Стандарт навдан бошқа ўрганилган нав-дурагайлар юқори ҳосилдорликни, яъни Ogastin – 42,2 т/га таъминлаб, шунинг 41,4 тоннаси ёки 98,1 % товар ҳосилни, Lojain F₁ – 67,8 т/га, шунинг 63,9 тоннаси ёки 94,2 % и, Tomsk F₁ – 109,8 т/га, шундан 108,9 тоннаси ёки 99,2% и, Bobcat F₁- 94,2 т/га, шундан 93,0 тоннаси эса 98,7 % и, Seraj F₁ 90,0 т/га, шундан 87,8 тоннаси эса 97,6 % и товар ҳосилни таъминлади. Стандарт нав-





дурагайларга нисбатан 4,9-45,0 т/га (113,4-170,4 %) кўшимча ҳосил олиш имконини берди.

Кучсиз шўрланган ерларда помидор нав-дурагайлари ҳосилдорлиги ва товарлиги (2022-2024 йиллар).

	Нав-дурагай номи ва келиб чиқиши	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил		Стандартга нисбатан кўшимча товар ҳосил	
		2022	2023	2024		т/га	%	т/га	%
Тезпишар навларда									
1.	Мустақиллик-28(ст.)	7,6	35,4	41,6	38,2	36,5	95,6	-	00
2.	Ogastin (DE)	0,3	39,4	46,9	42,2	41,4	98,1	4,9	13,4
3.	Lojain F ₁ (NL) (ст.)	5,5	53,3	74,6	67,8	63,9	94,2	-	00
4.	Tomsk F ₁ (NL)	01,4	99,5	128,4	109,8	108,9	99,2	45	70,4
5.	Bobcat F ₁ (NL)	92,1	86,8	103,8	94,2	93	98,7	29,1	45,5
6.	Seraj F ₁ (NL)	89,6	82,9	97,4	90,0	87,8	97,6	23,9	37,4
S _x (%) =		,11	,21	1,07					
ЭКФ ₀₅ =		,65	67	1,96					
Ўртатеzipишар навларда									
1.	Rio-grande(NL)(ст.)	9,7	39,2	45,1	41,3	40,1	97,1	-	100
2.	Волгоградский 5/95(RU)	9,3	24,4	22,8	25,5	22,2	87,2	17,9	55,5
3.	Red stone (USA)	4,4	42,1	51,6	46,0	45,3	98,4	5,2	112,9
4.	Юсупов(UZ)	5,8	29,8	34,8	33,5	31,0	92,6	-9,1	77,4
5.	Восток (UZ)	2,5	26,4	24,1	27,7	24,7	89,2	-15,4	61,6
6.	BT 1019 F ₁ (TR) (ст.)	6,3	10,9	12,8	13,3	10,9	81,6	-	100
7.	Terra cotta F ₁ (NL)	2,0	2,	40,1	34,9	33,9	97,2	23,0	311,2
8.	Wolverine F ₁ (NL)	7,7	36,5	48,1	40,8	40,0	98,1	29,1	367,2
S _x (%) =		0,85	1,75	1,44					
ЭКФ ₀₅ =		1,28	1,29	2,24					
Ўртапишар навларда									
1.	Floradade	43,1	36,2	37,6	39,0	37,7	96,7	-	1



5.	(US)(CT.)								00
6.	Campbell (DE)	40,4	33,8	35,3	36,5	34,4	94,2	-3,3	91,2
7.	H2274 F ₁ (TR)(CT.)	38,0	28,9	29,1	32,0	30,8	96,2	-	100
8.	Pink trind F ₁ (NL)	43,2	41,0	47,8	44,0	42,8	97,2	12,0	138,9
S _x (%) =		0,94	1,19	2,23					
ЭКФ ₀₅ =		0,86	1,17	1,86					

Ўртатезпишар нав-дурагайлар гуруҳида стандарт Rio-grande нави ўртача 2022-2024 йиллар бўйича 41,3 т/га ҳосилдорликни, шунинг 40,1 т/га ёки 97,1 % товар ҳосилни ташкил этди. Стандарт навга нисбатан юқори ҳосилдорликни 46,0 т/га Red stone навидан олиниб, шундан товар ҳосил 45,3 т/га ёки 98,4 % эканлиги қайд этилди. Энг юқори қўшимча ҳосилдорлик 5,2 тонна ёки 112,9 % помидор ўртатезпишар Red stone навидан олинди.

Ўрганилган помидор ўртапишар нав-дурагайлар гуруҳидан йиллар бўйича ўртача 32,0-44,0 т/га ҳосилдорлик олиниб, шунинг 30,8-42,8 т/га ёки 94,2-97,2% и товар ҳосил бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик (44,0 т/га) Pink trind F₁ дурагайида қайд этилди. Шунда энг юқори қўшимча ҳосил 12,0 т/га ёки 138,9 % олинди.

Йиллар бўйича ҳосилдорлик таҳлил қилинганда 2022 йилда навлар ва қайтариқлар бўйича ҳосилдорлик ўртача бўлиб, гектаридан 16,1 дан 102,6 тоннагача ўзгариб, ўртача 16,3-101,4 т/га ни ташкил этди. 2023 йилда ҳосилдорлик нав-дурагайлар ва қайтариқлар бўйича нисбатан паст бўлиб, 9,2-101,8 т/га, ўртача 10,9-99,5 т/га ни ташкил қилди. 2024 йилда эса ҳосилдорлик энг юқори бўлиб, нав-дурагайлар ва қайтариқлар бўйича 10,5 дан 130,7 тоннагача, ўртача 12,8-128,4 т/га ни таъминлади.

Теримлар бўйича ҳосилдорлик таҳлил қилинганда 2022 йил ҳосил жами 8 марта, 2023 йил 10 марта, 2024 йил 9 марта терилган.

Ҳақиқий ва потенциал ҳосилдорлик орасида катта фарқнинг мавжудлиги хўжаликларда оммабоп нав-дурагайлар экилиши, муайян тупроқ ва иқлим шароитлари учун навларнинг мосланувчан имкониятлари ҳисобга олинмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида нав-дурагайлар тўплами потенциал ҳосилдорлиги ва мосланувчанлик коэффиценти ҳамда имкониятлари баҳоланган.

Аниқлашларга кўра, ўрганилган нав-дурагайларда ҳосилдорлиги – тезпишарлар гуруҳида – 38,2-109,8, ўртатезпишарлар гуруҳида - 13,3-46,0,





ўртапишарлар гуруҳида - 32,0-44,0 т/га, мосланувчанлик коэффиценти эса, мос равишда, 0,52-1,49, 0,78-1,40 ва 0,84-1,16 (2-жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра, энг юқори мосланувчанлик коэффиценти помидор Tomsk F₁ (1,49), Bobcat F₁(1,28), Seraj F₁ (1,22), Red stone (1,40), Rio-grande (1,26), Wolverine F₁ (1,24), Pink trind F₁(1,16) наводурагайларда кайд этилиб, ҳосилдорлик бу наводурагайларда 44,0-109,8 т/га ни ташкил этди. Энг паст мосланувчанлик коэффиценти BT1019 F₁ (0,40), Мустақиллик-28 (0,52), Ogastin (0,57), H2274 F₁ (0,84) наводурагайларда бўлди.

2-жадвал

Помидор наводурагайлар ҳосилдорлиги ва мосланувчанлик коэффиценти.

	Наводурагайлар номи ва келиб чиқиши	Ҳосилдорлик т/га	Нав(дурагайлар)нинг ўртача ҳосилдорликка нисбатан улуши	Мосланувчанлик коэффиценти
Тезпишар навларда				
.	Мустақиллик-28(ст.)	38,2	51,8	0,52
.	Ogastin (DE)	42,2	57,3	0,57
.	Lojain F ₁ (NL) (ст.)	67,8	92,0	0,92
.	Tomsk F ₁ (NL)	109,8	149,0	1,49
.	Bobcat F ₁ (NL)	94,2	127,8	1,28
.	Seraj F ₁ (NL)	90,0	122,1	1,22
.	Ўртача	73,7	100,0	1,00
Ўртатеzipишар навларда				
.	Rio-grande(NL)(ст.)	41,3	125,5	1,26
.	Волгоградский 5/95(RU)	25,5	77,5	0,78
.	Red stone (USA)	46,0	139,8	1,40
0.	Юсупов(UZ)	33,5	101,8	1,02
1.	Восток (UZ)	27,7	84,2	0,84



2.	BT 1019 F ₁ (TR) (ст.)	13,3	40,4	0,40
3.	Terra cotta F ₁ (NL)	34,9	106,1	1,06
4.	Wolverine F ₁ (NL)	40,8	124,0	1,24
	Ўртача	32,9	100,0	1,00
Ўртапишар навларда				
5.	Floradade (US)(ст.)	39,0	102,9	1,03
6.	Campbell (DE)	36,5	96,3	0,96
7.	H2274 F ₁ (TR)(ст.)	32,0	84,4	0,84
8.	Pink trind F ₁ (NL)	44,0	116,1	1,16
	Ўртача	37,9	100,0	1,00

Умуман, ўрганилган нав-дурагайларнинг 10 тасида мосланувчанлик коэффиценти 1,0 ва зиёд бўлиб, улардан 3 таси тезпишарларга, 5 таси ўртатезпишарларга, 2 таси ўртапишарлар гуруҳига мансуб эканлиги маълум бўлди. Юқори мосланувчанлик имконияти эса нав-дурагайлар Tomsk F₁, Bobcat F₁, Seraj F₁, Red stone, Rio-grande, Wolverine F₁, Pink trind F₁ эканлиги маълум бўлди.

Адабиётлар:

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси . 2002. –Б. 217.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985.-С. 351.
3. Животков Л.А., Морозова З.А., Секутаева Л.И. Определения урожайности и коэффициент адаптивности сортов с.-х. культур. Санкт-Петербург. 1998.-С.21.

